



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 29 сентябрь, № 203 (7433)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам устоз ва мураббийлар!

Авалло, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган барча педагог ходимларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу қутлуг айёмда барчамиз бизга илм ўргатган, ҳаёт сабогини берган жонқуяр, фидойи ўқитувчи ва домлаларимизга чуқур ҳурмат бажо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг: **“Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг”**, деган сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Чиндан ҳам, дунё миқёсида рақобат янада кучайиб борадиган, ўта мураккаб бир даврда яшайдиган болаларимизни келажакка тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳаси, ўқитувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади.

Ана шу ўткир ҳақиқатни ҳисобга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни давлат сийосатининг энг муҳим ва устувор йўналиши даражасига кўтардик.

Ўтган қисқа даврда мактаб-гача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мактаб таълимида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ва касб-хўна қоллежларини оптимallasштириш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширдик.

Бугунги кунда сизларнинг, бутун эл-юртимизнинг қизгин қўллаб-қувватлаши билан **мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.**

Буюк алломаларимиз, атоқли шоир ва адибларимиз номи билан аталадиган ижод ва табиий фанларга иxtисослаштирилган мактаблар, “Темурбеклар мактаблари”, Президент мактаблари каби мутлақо янги намунадаги замонавий ва инновацион таълим масканлари айна шу мақсадга хизмат қилади.

Бу борада умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласига устувор аҳамият берилмоқда. Бунинг тасдиғини сўнгги икки йилда 238 та янги мактаб барпо этилганида ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, 2010 — 2016 йилларда бу соҳага етарли эътибор берилмагани туфайли 99 та мактаб ёпилган эди.

Мазкур соҳани ривожлантириш учун ажратилаётган бюджет маблағлари ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда мактабларга 2017 йилга нисбатан 81 фоиздан зиёд маблағ ажратилди.

Юртимизда богча, мактаб ва олий таълим тизимида ишлайётган тарбиячилар, ўқитувчи ва домлалар меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ҳақини, жамиятдаги нуфузини ошириш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Соҳа ривожига бўлган ана шундай эътибор мактабларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатидан ўзгартиришга, ўқитувчилар таркибини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Биз таълим-тарбия масаласига комплекс ёндашган ҳолда, богча таълими билан бирга олий таълим тизимини ҳам узвий ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Шу мақсадда мамлакатимизда мактабгача таълим ҳамда олий таълимни ривожлантириш дастурлари қабул қилинди ва шу асосда туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги икки йилда мамлакатимизда 35 та, жумладан, 13 та хорижий олий ўқув юрти ташкил этилди. Юздан ортқ янги бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда 94 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси уч йил бурунги 9 фоиздан 20 фоизга ошди. Биз яқин келажақда бу кўрсаткични 25 фоизга етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Яратилаётган имкониятлар туфайли Ўзбекистон ёшлари турли соҳаларда ўз билим ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этмоқда.

Куни кеча Россиянинг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлакатидан моҳир спортчилар иштирок этган бокс бўйича жаҳон чемпионатида миллий жамоамиз вакиллари юксак азму шижоат ва маҳорат намунасини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллагани барчамизни қувонтириб, гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бундай улкан ютуқларни биз аввало сизлар каби фидойи устоз-мураббийларнинг фидо-корона меҳнати натижаси сифатида қабул қиламиз.

Қадрли юртдошлар! Барчамиз яхши тушунамизки, бугунги шиддатли замон барча соҳалар қаторида таълим-тарбия тизимини ривожлантириш бўйича ҳам олдимизга ғоят муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Албатта, ёшларимизнинг билим олишлари учун барча шароитларни яратиш, ўқув бино-

ларини қуриш, уларни замонавий жиҳозлаш мумкин. Лекин фарзандларимизга юксак меzonлар асосида таълим-тарбия берадиган, янги, инновацион фикрлайдиган муаллим ва ўқитувчиларни тайёрлаш, бу — энг оғир вазифа бўлиб, жуда катта меҳнат ва масъулиятни талаб этади.

Шу маънода, **бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши**, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшаши керак.

Энг муҳими, ўқитувчи чинакам ватанпарвар инсон бўлиши зарур. Қалбида ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчиги ва имкониятлар зарур бўлса, барчасини сафарбар этамиз.

Мактабларда хорижий тилларни, ахборот-коммуникация технологияларини ўргатишни такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислох қилиш, ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишимиз лозим.

Профессional таълим соҳасида бугунги меҳнат бозори ва халқаро стандартларга тўла мос келадиган бутунлай янги тизимга ўтишни жадаллаштиришимиз керак.

Таълим муассасаларининг моддий-техника базаси, ўқитиш сифати ва педагог ходимларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган **“Замонавий мактаб”** давлат дастурини

амалга ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Барчамизга аёнки, бугунги кунда ён-атрофимизда ёшларнинг қалби ва онгини захарлаб, уларни тўғри йўлдан огдиришга қаратилган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай мафқуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида барчамиз биргаликда курашмоғимиз, **оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустахкамлашимиз** зарур.

Айниқса, бу вазифа барча бўғиндаги раҳбарлар, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар ташкилотлари, ижодкор зиёлиларимиз, диний уламолар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, бутун жамиятимиз учун виждон ишига айланиши керак.

Азиз ва мухтарам устозлар! Бугун таълим-тарбия соҳасида, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда. Бу даврни янада чуқур маъно-мазмун билан тўлдириб, **миллий юксалишга эришиш** фақат ва фақат ўзимизга, шу йўлда ҳамжиҳатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимизга боғлиқ.

Биз халқимизнинг энг катта бойлигини — миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз. Ва бу вазифани масъулият билан адо этиб келаётган сизлар каби фидойи инсонлар, келажақ бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Сизларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сикхат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хўналарни ўргатиш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Кузиева Каромат Мамитжановна — Сайхунобод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Собиёров Аҳмед Юлдашевич — Шовот туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Турсунова Махбуба Мирзахожоевна — Кува туманидаги 62-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти
Қосимов Исам Жўраевич — Арнасай туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

(Давоми 2-бетда). >>>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЕКАТЕРИНБУРГ ШАҲРИДА БОКС БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар ва яратилаётган шароитлар туфайли спортчиларимиз томонидан улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 6 — 22 сентябрь кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлакатлари ўртасида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида миллий терма жамоамиз вакиллари юксак азму шижоат ва маҳорат намунасини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллаганлиги ҳамда Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шухратини тараннум этишга катта ҳисса қўшганини, юртимизда спортни кенг оммалаштириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар онгида миллий ғурур, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтириш борасидаги муносиб хизматлари учун қуйидагилар фахрий унвон ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон ифтихори»

Жалолов Баҳодир Исомиддин ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Мирзахалилов Миразизбек Мирзакарим ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Қурбанов Марат Галиевич — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи
Қиличев Тўлқин Махмурович — Республика иxtисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг бокс бўйича мураббийи
Эркаев Баҳодир Турғунович — Фарғона вилояти иxtисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Зоиров Шаҳобидин Шокирович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Келажақ бунёдкори» медали билан

Батуров Бобо-Усмон Шамсутдин ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Рўзметов Дилшодбек Юсупбай ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Шухрат» медали билан

Ахмедов Бурҳон Бахрамович — Пахтакор туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, Жиззах вилояти
Қиличев Фаррух Комилович — Чирчиқ иxtисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг бокс бўйича бош мураббийи, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 сентябрь

КАСБЛАРНИНГ ЭНГ ШАРАФЛИСИ ВА УЛУҒИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар ҳақида ҳазрат Навоийнинг **“Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила”** байтидан ошириб бир сўз айтмоқ мушкул. Аммо дунёдаги барча иморатларнинг энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Ҳаётда нимагаки эришган, эъзоз топган бўлсак, бунда устозларимизнинг хизмати беқиёс.



Бу йил ҳам мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Чиндан ҳам, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда катта хизмат кўрсатаётган бу улуғ зотларни қанча ардоқласак, ҳурмат қилсак оз. Бугунги ўқитувчининг ҳам инсон, ҳам мураббий, ҳам устоз сифатида бурчи, шаъни ва шарафини кўтаришга етарли аҳамият берилаётганининг боиси ҳам шунда. Абдурахмон Жомий айтганидек: “Устоз — муаллимсиз қолса гар замон, Нодонликда қаро бўларди жаҳон”.

Давлатимиз томонидан жамиятда ўқитувчиларнинг юксак мақомини тиклаш, таълим сифатини ошириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Эътибор беринг, охириги 3 йилда халқ таълими тизимини тубдан ислох қилиш мақсадида

➔ Президентимизнинг **6 та** Фармон ва қарори,

➔ Вазирлар Маҳкамасининг **21 та** қарори қабул қилинди.

Сўнгги икки йилда

➔ **238 та** янги мактаб қурилди.

➔ Мамлакат бўйича **35 та**, жумладан, **13 та** хорижий олий ўқув юрти очилди.



Хосан ГАЙДИРОВ оғлон сурат.

Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг ойлик маошлари оширилиб, турли қоғозбозлиқлар, мажлисбозлиқлар, хашарларга жалб қилишлардан бутунлай озод этилган. Энди ўқитувчининг олдида кўзлари чакнаб турган шоғирдларига мукамал дарс бериш вазифаси турибди. Хали бу таълим соҳасида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг дебочаси. Жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган муаллимларнинг кадр-қиммати юксалишига кўп гувоҳ бўламиз.

«Халқ сўзи».



Ўзбекистон энг ислохотчи «ТОП – 20» давлатлар сафида

Жаҳон банки “Бизнес юритиш” халқаро рейтингни доирасида охириги бир йил ичида бизнесни юритишда энгилликларни назарда тутувчи энг кўп ислохотларни амалга оширган 20 та давлатни эътироф этди. Булар орасида Ўзбекистонда **5 та йўналишда** амалга оширилган қадамлар **алоҳида тан олинди.**

Хабарда Ўзбекистон охириги даврда миноритар инвесторларни ҳўмия қилишни мустаҳкамлаган, солиқлар тўлаш тизимини соддалаштирган, шартномалар ижросини амалга оширишни кучайтирган, шунингдек, ташқи савдо йўналишида сезиларли янгиликлар киритган давлат сифатида қайд этилган.

Бундан ташқари, тижорат ташкилотларида мустақил кенгаш аъзолари бўлиши юзасидан янги талаблар ва аудит қўмиталарининг мавқеи **мустаҳкамланди.** Инфратузилма солиқлари фойда солиғи билан бирлаштирилгани ҳам алоҳида таъкидланган. Жаҳон банки **медияция институтини ривожлантиришга** қаратилган қадамларни ҳам эътироф этиб, бу борада ягона ҳуқуқий база шаклланиганини ва медиациядан фойдаланишни рағбатлантириш механизмлари жорий қилинганини таъкидлаган.

Божхона соҳасида хавф-хатарни таҳлил қилиш асосида текширувларни амалга ошириш тартиботлари киритилганини ҳам маъқуллаган.

«Халқ сўзи».



1 октябрь — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ЎЗИНИНГ КЎЗ НУРИ, ҚАЛБ ҚЎРИ, БУТУН БОРЛИГИНИ ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИГА БАХШ ЭТАДИГАН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР МЕҲНАТИ, ЖАСОРАТИ ҲАР ҚАНДАЙ ЮКСАК БАҲОЛАРГА МУНОСИБДИР.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



МУАЛЛИМЛАР МАНЗУМАСИ

Билим боғига боғбонсиз, муаллимлар,
Шараф тоқига нарвонсиз, муаллимлар.

Ҳаёт порлоқдир илму маърифат бирлан,
Чарогсиз ҳам чарогбонсиз, муаллимлар.

Синолар кашф этиб кетган синоатлар,
Башир дардига дармон — Сиз, муаллимлар.

Заковат кемасига Берунийнинг ҳам
Ўзингиз илк уммонсиз, муаллимлар.

Жаҳон осмонига Султон Улугбекни
Узатган илк осмонсиз, муаллимлар.

Навоий қайдин олмиш нуктадонликни?
Зариф ҳам жонли девон — Сиз, муаллимлар.

Билим — мангу хазон бўлмас зироатдир,
Ўзингиз мангу деҳқонсиз, муаллимлар.

Жаҳолатдин қутулгай бир кун олам,
Метин қўргону посбонсиз, муаллимлар.

Гулу чечакларингиздир ўғил-қизлар,
Туну кун сиз нигоҳбонсиз, муаллимлар.

Улугсиз, хоксору камтариндирсиз,
Дилу жонсиз, қадрдонсиз, муаллимлар.

Буюк устоз — Ватандир, ота юрт асли,
Она юрт, Ўзбекистонсиз, муаллимлар.

Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

АЙНИ ВАҚТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОР

Давлатимиз раҳбарининг “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори халқимизнинг бахшичилик санъатини бор ҳолича сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Халқимиз “Алпомиш”, “Гүрўгли”, “Кунтуғмиш” каби достонларни тинглаб, унинг бой тарбиявий руҳида камол топган. Ватанпарварлик, мардлик, олижаноблик, она юртва садоқат каби эзгу фазилатларни улуглаш достонларнинг бош ғояси бўлиб, халқимиз онгу тафаккури, ақлий ва ижодий камолотида етакчи ўрин тутган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Термиз шаҳрида бахшичилик мактаби, республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида фольклор синфлари ташкил этилгани бахшичилик санъатини ўрганиш ва уни келгуси авлодларга етказиш йўлидаги жиддий қадам бўлди. Энг

муҳими, Термиз шаҳрида илк бор ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали мамлакатимиз маданий ҳаётида ёрқин саҳифа очди. Халқаро миқёсда эътироф ва эътибор топти. Ушбу фестивалда қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллаганимиз бутун умрлик ижодий фаолиятимизда унутилмас из қолдирди.

Термиз шаҳрида Республика Бахшичилик санъати маркази, унинг ҳузурда юридик макомга эга бўлган Бахшичилик санъати-

ни ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши “оммавий маданият”нинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган бир шароитда фольклор санъатига эътибор ва қизиқишни кучайтиришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, ёш авлоднинг миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий ўзлигини англаш, уларда Ватанга садоқат, тарихий меросга ҳурмат руҳини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Қолаверса, бу соҳада шаклланиган ижод мактабларининг ижро

услуглари, “Устоз — шоғирд” анъаналарини давом эттириш ва ривожлантиришга ҳам кенг йўл очади. Бу борада эришган ютуқларимиз ҳақида ҳар қанча тўқинланиб гапириш мумкин, лекин бахшичилик санъати мактабининг нафақат воҳада, балки республикада ўз ўрни бор. Шу фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбларимизни байрам билан табриклайман.

Муҳаммад ЭШБОЕВ,
«Шўхрат» медали соҳиби,
Термиз шаҳридаги 22-болалар мусиқа, санъат ва бахшичилик мактаби ўқитувчиси.

ШОГИРДЛАРИМ МУВАФФАҚИЯТИДА МЕҲНАТИМ МАҲСУЛИНИ КЎРАМАН



Спорт, бу — ҳалоллик, мардлик ва шижоат тимсоли. Мамлакатимизда миллат баркамоллиги, соғлом авлод камол топиши учун болалар спортга алоҳида эътибор берилляпти. Ўртимиздаги янги спорт мажмуалари, теннис кортлари, замонавий стадионлар, сузиш ҳавзалари қуруқ савлатга ё шунчаки мақтаниш учун эмас, балки ўзбек спортининг обрўсини кўтариш, спортчиларимизни жаҳонга танитиш учун қуриляпти.

Масалан, Олимпия захиралари мактаб-интернатимизга 7-синфдан моҳир спортчилар саралаб олинди. Масканимизда ёшларга спортнинг ўзлари истаган тури билан шугулланишлари учун зарур шароитлар

яратилган. Футбол, баскетбол, кураш, қиличбозлик, гимнастика, сузиш, югуриш дейсизми, бундан қатъи назар, иқтидорини намойён эта олган ўқувчи шу ернинг ўзидан халқаро мусобақаларга йўналтирилади. Макта-

бимизни чемпионлар маскани, десам, айна ҳақиқат. Яқинда Россияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 80 га яқин мамлакатлар орасида ўзбек спортчилари эришган муваффақиятлар бутун дунёни ҳайратга сол-

ди. Жаҳоннинг нуфузли спорт майдонлари узра байроғимиз банд хилпираб, давлатимиз мадҳияси янграши, ўғил-қизларимизнинг номи тилга олинаиб, ҳар бирига олтин медаль тақдим этилиши кишига гурур-ифтихор бағишлайди. Бу ютуқлар замирида иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, спортчилар билан кечая кундуз машғулотлар олиб борган мураббийларнинг фидокорона меҳнати ётибди.

Ўзим ҳам спортчи, ҳам мураббий сифатида бутун дунёни кўрдим. Машҳур спортчилар орасидан дўстлар орттирдим. Энди шоғирдларим орқали ўзбек спортини жаҳонга танитаётганимдан беҳад мамнунман. Улар мени устоз, дея эҳтиром кўрсатадилар. Ҳар бирини ўз фарзандимдек кўраман. Уларга ишонаман, суянаман, таянаман. Камтарона меҳнатим юксак баҳолиниб, 2016 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози” унвонига сазовор бўлишимда уларнинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Раҳматжон РЎЗИОХУНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози,
Тошкент Олимпия захиралари мактаб-интернати мураббийси.



Ҳасан ГАЙДИЕВ олган сурат.

ўқитувчиси, бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Дилором Тошмуродовага “Samsung” кир ювиш машинаси топширилди. Шунингдек, 11 нафар совриндорга компьютерлар берилди.

Тадбирда Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан таъсис этил-

ган “Энг фаол ёш ўқитувчи”, “Инновацион фаол ходим” ҳамда “Энг маҳоратли ўқитувчи” номинациялари ғолиблари рағбатлантирилди.

Анжуманда фидойилик намуналарини кўрсатган, кўлаб шоғирдлар етиштирган, шунингдек, касба уюшмаларида фаоллик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ устоз-мураббийлар ҳамда меҳнат фахрийлари Касаба уюшмалари Федерациясининг “Эхтиром нишони” билан тақдирланди.

Шунингдек, тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ туманида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш йўналишидаги сайёҳ-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшаётган “Оқ кема” болалар соғломлаштириш оромгоҳи жамоасига “Дамас” автомобили топширилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

УСТОЗЛАР ЭЪЗОЗДА

Ҳазрат Алишер Навоий йўлда шериклари билан кетаркан, қаршисидан бир ёш бола чиқади. Шоир отдан тушиб, унга беҳад илтифотлар кўрсатади. Ёнидагилар: “Болага шунчалик ҳурмат кўрсатишингизнинг боиси нимада?” дея сўрашади. Шоир эса: “Бу бола устозимнинг фарзанди”, деб жавоб беради. Шундан ҳам кўриниб турибдики, халқимизда азалдан устозга ҳурмат кўрсатилган, чексиз ардоқланган ва эъзозланган. Бугун ҳам шу анъана изчил давом этмоқда.

Танлов

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан “Устозлар — касба уюшмалари эъзозиди” республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда бу алоҳида эътироф этилди. Кейинги уч йил ичида таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, масъулиятли ҳамда шарафли касб эгалари бўлган ўқитувчи ва мураббийларни ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, жамиятда улар нуфузини ошириш чоралари кўриллаётгани бунинг исботидир. Хусусан, Президентимизнинг ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясидек масъулиятли ишга бағишлаган устозлар шарафига айтилган: “Ўзбекистон шароитида бугундан бошлаб жамиятдаги энг ҳурматли инсон муаллимдир”, деган сўзларининг ўзиёқ ушбу касб эгаларига бўлган ҳурмат ва эҳтиромимиз нечоғли юксак эканидан далолат бериб турибди.

Устозларни эъзозлашдек хайрли ишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Хусусан, бугун Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси тизимидаги 17 минг 981 бошланғич касба уюшма ташкилотининг 55 фоизи умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатмоқда. Бу муассасаларда касба уюшма кўмиталари ва иш бе-

рувчилар ўртасида имзоланган жамоа шартномалари орқали устозларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилиб келиняпти.

Жорий йилдан бошлаб ўтказилган ушбу танлов шу йўналишдаги ишларнинг мантикий давоми бўлди. Унинг қуйи босқичларида мактабларда камида 20 йил ишлаган, 10 йил мобайнида бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси бўлиб фаолият кўрсатиб келаётган 1 135 нафар ўқитувчи қатнашди. Улар фаолиятини баҳолашда ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш, ўғил-қизлар маънавий-интеллектуал оламини бойитиш, ватанпарварлик руҳида камолга етказиш, касба уюшмалари фаолиятини ва соҳа хо-

димлари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги ишлари асосий мезон қилиб олинди. Танловнинг финал босқичига 14 нафар иштирокчи етиб келди.

Яқинда 1-ўринни эгаллаган Тўрақўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Лобархон Рустамовага “Спарк” автомобили, 2-ўринни кўлга киритган Қонимех туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Нурия Тўрақуловага “Samsung” музлаткичи, 3-ўрин соҳиби, Деҳқонobod туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф

ИШЛАГАН ОДАМНИНГ МЕҲНАТИ ЗОЕ КЕТМАЙДИ

Лобархон РУСТАМОВА,
танлов ғолиби:

— Бугун жуда бахтиёрман. Боиси юртимизда устоз ва мураббийларга доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Бунга жавобан астойдил меҳнат қиламиз. Ишлаган одамнинг меҳнати зое кетмайди. Танловда ғолиб чиқишим бунинг яққол исботи бўлди. Ушбу муваффақиятдан руҳланиб, бор билим ва кучимни ёшлар таълим-тарбиясига йўналтираман. Шу пайтда ана шу уйлар кўнглимдан кечиб турибди.

Жамшид БЎРОНОВ,

«Энг фаол ёш ўқитувчи» номинацияси ғолиби,
Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси:

— Лицейда таълим жараёнларини замонавий услубларда олиб борамиз. Шундан бўлса керак, яхши натижага эришаётган шоғирдларимиз кўпчиликини ташкил этади. Масалан, ҳар йили жуда кўп шоғирдларим олий ўқув юртларига ўқишга қиради. Бу камтарона хизматим юқори даражада эътироф этилганидан мамнунман. Албатта, бундан кейин ҳам ўқувчиларим энг зукко ва билимли бўлишлари учун бор кучимни аямайман.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 843 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқилар 71-232-11-15.



Тахриратта келган кўлашлар тақрир қилинмайди ва мустақил қайтарилмайди.

Газетанинг ёзувлари берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси